

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган  
«Энг улуғ, энг азиз» анъанавий танловнинг вилоят босқичи  
очилиши маросимидаги  
**С Ў З И**

## **Ассалому алайкум, азиз ҳамюртлар!**

Авваламбор Сиз - азизларни, Сизлар орқали вилоятимиз маънавий ҳаётининг асл жонкуярлари, фидокор ижод аҳли, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси заҳматкашларини кириб келаётган энг улуғ, энг азиз байрамимиз билан чин қалбдан табриклаш ва қутлашга ижозат берасизлар!

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорининг 7-бандида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлигига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Бадий академия, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда «Энг улуғ, энг азиз» анъанавий танловининг республика босқичини юқори даражада ўтказиш вазифаси юклатилган.

Танловни ўтказишдан асосий мақсад ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намоёндалари, фото ва дизайн усталарини «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» деган бош ғояни ўзида мужассам этган, мустақиллик ҳаётимизнинг маъно-мазмунини тубдан ўзгартириб, халқимизни қарамлик кишанларидан озод қилгани, топталган қадриятларимиз, дину диёнатимиз, ору номусимизни тиклаш, ўзликимизни англаш, фаровон ҳаёт ва ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш йўлида беқиёс имкониятлар очиб берганини кенг ёритишга сафарбар этиш ва улар меҳнатини муносиб баҳолашдан иборатдир.

### **Ҳурматли тадбир иштирокчилари!**

Бугун шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, вилоятимиз ижодкорлари бу йилги танловни ҳар йилгидан юксак савияда, мазмун ва мундарижаси бой ўтказишда ўз меҳнатларини астойдил ишга солмоқдалар.

Айниқса, юртимиз шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш

бўйича жорий этилаётган дастурларнинг ижтимоий аҳамиятини очиб берадиган;

- Ўзбекистон эришаётган ютуқ ва марралар дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётгани, биз қўлга киритаётган бундай юксак натижаларнинг асосий омили ва мезони сифатида биринчи навбатда халқимизнинг фидокорона меҳнати ўз ифодасини топган асарлар ижод қилишга чорлаш, етук асарлар муаллифларини эътироф этиш ва рағбатлантиришдан иборат вазифа тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлар, ҳокимликларнинг асосий эътиборида турганлиги эътиборга лойиқдир.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, юқоридаги масалаларда вилоятимизда кўпдан-кўп ибратли мисоллар учун арзийдиган ишлар ижодкорлар эътиборига сазовор бўлгани чин ҳақиқат.

Бугун республикамиздаги каби вилоятимизда ҳар йили юзлаб оилалар намунавий уй-жойларга эга бўлишмоқда. Узоққа бормайлик, мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрами арафасида Шаҳрихон ва Пахтаобод туманларида кўркам кўринишга эга «Камолот» уйлари энг иқтидорли, турли соҳаларда фаоллик ва

ташаббус билан тенгдошларига ўртак бўлаётган йигит ва қизларга топширилди.

Бу халқимиз турмуш маданиятини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг бир ифодаси.

Қишлоқда саноатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш борасида ҳам сезиларли ишлар қилинмоқда. Охирги ўн йилда вилоятда саноат соҳасида 1,5 триллион сўмдан зиёд инвестициялар ўзлаштирилиб, 3 мингдан ортиқ лойиҳалар йўлга қўйилди. Хорижий сармоя иштирокида 109 та янги қўшма корхона ташкил этилиши билан уларнинг сони 131 тага етди.

Янги қувватларнинг фойдаланишга топширилиши ҳисобига қарийб 670 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди. Айниқса, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш доимий эътиборимизда.

### **Қадрли дўстлар!**

Кейинги йилларда Андижон улкан қурилиш майдонига айланди, бу тўғрида қанча гапирсак оз.

Андижон шаҳридаги «Марказий деҳқон бозори» 21 миллиард сўм маблағ ҳисобига қайта реконструкция қилиниб, замонавий кўринишга келтирилди. Фарзандларимиз учун Андижон шаҳридаги 300 ўринли қўғирчоқ театрининг сиз билан биз бугун тадбир ўтказаетган мазкур янги биноси қурилиб битказилди. Хўжаобод туманида барпо этилаётган «Ҳайвонот боғи» ҳам яқин кежалақда халқимизга муносиб совға бўлиши шубҳасиз.

Мустақиллик меваси бўлган Андижон туманининг Хартум қишлоғида жойлашган республика ўқувчи ёшлар маркази, янгидан барпо этилаётган Чўлпон боғи, Бобур майдони, Ўзбекистон ва Миллий тикланиш кўчалари ҳар бир ижодкорга илҳом бериши турган гап. Энг қувончлиси, бугун «Аср мўъжизаси» дея ном олган Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўл қурилиши, ана шу лойиҳа асосида замонавий қиёфага кирган Андижон темир йўл вокзали юртдошларимиз ва дунё аҳли томонидан эътироф этилмоқда. Бу ўз-ўзидан оммавий ахборот воситалари учун бугун бош мавзуга айлангани қувонарли.

Бугун танловнинг вилоят босқичи минбаридан туриб маълум қилинганидек, «Энг улуғ, энг азиз» анъанавий ижодий беллашувининг бу йилги вилоят босқичида ўтган йилгидан кўп ижодий иш қатнашганлиги бизга мамнуният бағишлайди.

Танлов ташкилотчилари республика, вилоят босқичларидаги турли ижодий танловларда орттирилган тажрибадан кенг фойдалангани эътиборга сазовор, албатта. Бу борада бизга республика ижодий ташкилотлари раҳбарлари, айниқса, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг нуфузли жамоаси, унинг ҳурматли раиси Исфандиёр Латиповнинг катта эътибори ва қўллаб-қувватлашига жавобан миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Азиз юртдошлар! Бугунги танловда голиб чиққан йигит ва қизларни биз ҳақли равишда вилоятимизнинг келажаги, фаҳри, ифтихори, деб баҳолашни истаймиз. Улар сафидан келажакда номдор шоир ва ёзувчилар, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари заҳматкашлари, телерадио ижодкорлари, тасвирий санъатнинг мўйқалам соҳиблари етишиб чиқишига катта умид боғлаймиз.

Сўзимнинг ниҳоясида Сиз - азизларни энг улуғ байрамимиз билан яна бир карра табриклашга ва қутлашга, ҳаммангизга мустаҳкам саломатлик, куч-ғайрат, илҳом устига илҳом, оилавий тинчлик, тотувлик, бахт саодат, ижодий баркамоллик тилашга ижозат бергайсизлар.

**Эътиборингиз учун раҳмат!**